

**ТУРСУНБОЙ КАРИМОВ**

**ҚАДРИ БАЛАНД  
ДАРГОХ**

Урганч-2012

84(59)6-975.араб.

Информационное агентство

ДИАЛАЗИНЧАЛ  
ХОТЯД

Но 41550  
0

© "Хоразм" нашриёти - 2012 йил  
ISBN 978- 9943-314-56-6  
© Турсунбай Каримов "Кадри баланд даргох"

2013609	Alisher Navoiy
	номидаги
8216	O'zbekiston MK

## ХАЛҚ МИНБАРИ

*“Гурлан ҳаёти” газетасининг 80 йиллигига*

*Саксон йил адолат экарчиси бўлдинг,  
Ишларинг айланди ўчмас тарихга.  
Аммо қаримадинг, қувватга тўлдинг,  
Хизматинг лойиқдир таҳсин, таърифга.*

*Сен очиқ мимбарсан бутун халқимга,  
Ёзади қувончи, ташвишларини.  
Шундай ўрнашгансан менинг қалбимга,  
Кўрдим элга зиё ташвишларингни.*

*Бехато кўрасан, ўткир кўзларинг,  
Топиб кўрсатасан яхши, ёмонни.  
Гоҳ ширин, гоҳида аччиқ сўзларинг,  
Кўз очар, билгин деб тўғри томонни.*

*Ҳаётга доимо ҳумёр боқасан,  
Багрингда уфурап унинг нафаси.  
Ҳақ сўзинг туфайли элга ёқасан,  
Бўлса ҳам одамлар хурсанд, хафаси.*

*Ижодкор инсонлар багрингда ўсди,  
Бутун эл қалбига зиё таратиб.  
Бегамлик, эксаҳолат йўлини тўйсди,  
Номларин қолдирди китоб яратиб.*

*Саксон йил бир лаҳза ўтмади бекор,  
Элни адолатга чақириб келдинг.  
Асло айнимадинг, бутун номус-ор,  
Жўшиб ҳайқиравер, ҳайқириб келдинг.*

*Газетам, сен ижод, зиё даргоҳи,  
Зафарга чорлайвер, қувватга тўлиб.  
Ўқиб кекса-ёшнинг чиқсин чарчоги,  
Яшайвер эл, халқнинг сирдоши бўлиб.*

## **ҲАМКОР ВА ҲАМНАФАСЛИКДА ИШЛАЙМИЗ**

**Вилоят матбуот ва ахборот бошкармаси бошлиғи Дилбар Бекчанова сўзидан:**

— Мамлакатимизда ислоҳотлар туфайли барча соҳалар замонавий таалаблар даражасида ривожланиб бормоқда. Бу ҳол матбуот ва оммавий ахборот воситалари ишида ҳам яккол кўзга ташланади. Авваллари вилоят, шаҳар ва туман газеталари бор эди, холос. Мустакиллигимиздан кейин нафақат республикада, балки вилоятимизда ҳам деярлик ҳар бир тармокнинг ўз газетаси бор. Улар фаолиятида эркин фикрлаш, ишни мустакил режа асосида ташкил этиш йўлга кўйилган. Бу ижодкорлар учун яратилган кенг имкониятдир. Бугун газеталарга обуна тўплаш, нашрларнинг баҳоси, чиқариш муддатлари мустакил ҳал қилинади. Реклама ва эълонлар, фуқароларнинг турли хил мурожаатлари эркин, ошкора ёритилемоқда. Газета материалларида ишдаги ютуклар билан бирга камчиликлар ҳам холис очиб берилмоқда. Журналистлар учун ижод майдони кенг. Натижада нашрларда босилаётган мақола, шеър, турли жанрлардаги материалларнинг сифати, мазмундорлиги тобора ошиб бораёттир. Жумладан “Гурлан ҳаёти” газетаси ходимларининг иши, нашрнинг тумандаги обрў-эътибори фикримизнинг ёркин далилидир. Газетанинг тиражи йил сайнин ошиб бораётганлиги унинг мазмуни, ҳаётйлиги ошганлигини, муассис — туман ҳокимлигининг муассис сифатидаги ғамхўрлиги кучайиб бораётганлигига деб билиш керак. Албатта, қоғоз ва қалам билан ишлаб кўпчиликнинг дилига йўл топиш осон эмас. Бу машаққатли ва шарафли вазифани сидқидилдан амалга ошираётган Гурлан тумани газетаси ходимларига янгидан янги мувваффакиятлар тилаймиз.

**“Ходазм ҳақиқати” ва “Хорезмская правда” газеталари бирлашган таҳририяти бош мухаррири вазифасини бажарувчи Солињон Раҳимберганова сўзидан:**

— Вилоят матбуот ва оммавий ахборот бошкармаси журналистлар фаолиятини янада яхшилаш, уларнинг ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш, бир-бирлари билан тажриба алмашувини йўлга кўйишга алоҳида эътибор бермоқда. Ҳар бир туман ва шаҳар, тармок газеталари фаолиятини ўрганиш, фойдали маслаҳатлар бериш учун ишчи гурухи тушиб, жойларда тажрибали журналистлар, мухаррирлар, мухбирлар иштирокида семинарлар ўтказмоқда. Ана шундай семинарларнинг навбатдагиси Гурлан тумани газетаси таҳририятида бўлмоқди. “Гурлан ҳаёти” газетаси ўз овози ва иш услубига эга бўлган таъсирчан, обрўли матбуот организидир. Таҳририят ўз чиқишилари билан республикада, вилоятда тан олиниб, сертификатлар, фахрий ёрликлар билан тақдирланмоқда. Бугун бу газета

ишихонасини кўриб қувондик. Кўркам бинода ижодий мухит баркарор. Ҳар ходимга айрим хона. Компьютерлар ишлаб турибди. Турли хил газеталарнинг таҳламалари, кутубхона мавжуд. Бундай шароитда ишлаш кишига илҳом бағишлиайди. Жамоа ишларига муваффакият тилаб қоламан.

**Фахрий журналист Ҳусайн Раҳмон сўзидан:**

— Гурлан тумани шонли тарихга эга. Обрули раҳбарлар, машҳур ижодкорлар юрти. Бу ерда Ўзбекистон Қаҳрамонлари, Олий Мажлис Сенати аъзоси бор. Бу фидокорона меҳнатлар меваси. Юрдошларининг хурмат ва эътиборини қозонган, элда машҳур ижодкорлардан Фозил Зоҳид, Омон Матжон, Янгибой Худойберганов ва бошқалар Гурлан газетаси даргоҳида ўсиб-улгайгандар. Бу газетанинг ўз тажриба мактаби бор. Зийрак, билимдон журналистлар ҳозирда ҳам газетада ўз маҳоратларини кўрсатмоқдалар. Мен уларга ижодий ютуклар тилайман.

**“Урганч оқшоми” газетаси мұхаррири Сотимбой Авазов сўзидан:**

— Гурлан тумани газетаси энг кекса, тажрибали, шонли тарихий йўлни босиб ўтган нашрлардан бири. Газетани ўқисанг туман ҳаёти уфуриб туради. Макола ва шеърлар савияси яхши, бир истагим шуки, газетада кишлек мұхбирлари номидан янада кўпроқ мақолалар берилса.

**“Богот садоси” газетаси мұхаррири Ражаббой Рazzоков сўзидан:**

— Мен 70 ёшга борган журналистман. Гурланлик шоир, газетанинг собиқ мұхаррири Турсунбай Каримов билан бир даврда ишладим, у киши билан дўст бўлдим. Ҳозир ҳам учрашиб, маслаҳатлашиб турамиз. Мен вилоят журналистларининг тажриба алмашуви Гурланда бўлаётганидан хурсандман. Яхши фикрлар айтилди. “Гурлан ҳаёти” газетаси юкори савияда чиқади, ижодий ходимлари изланувчан ва билимли. Бу газетага ва унинг ходимларига хурматим жуда баланд.

Мен мана шундай ижодий учрашувларнинг тез-тез бўлиши ишимизга жуда катта фойда беради, деб ҳисоблайман. Барчангизга соғлик, ижодий зафарлар тилайман.

**ФИДОКОР КИШИЛАР**  
(Оммавий ахборот воситалари ходимларига)

*Воқеа, ўзгариш тафсилотларга  
Тұладир бу ҳаёт, тұладир дунә.  
Бу зарур одамлар, ташкилотларга,  
Ахборот күп ишлар қиласы бунәд.  
Рұзнома, ойнома, радио, экран,  
Телефон, йүлдошлар болгар бир-бирин.  
Журналист, мухбирлар азоблар чеккан,  
Осонмас ўрганмок дүнәнинг сирин.  
Жон фидо кишилар касби кори бу,  
Осонмас ҳақиқат жарчиси бўлиш.  
Қайнок нукталарада жон беради у,  
Гоҳида галаба, гоҳ гулдай сўлиш.  
Ғоялар, мақсадлар йўлида кўп жанг,  
Шоҳлару гадолар бу жангда бордир.  
Ахборот бўлмаса жангчи ҳоли танг,  
Ахборот билганга галаба ёрдир.  
Фидокор кишилар ахборот берар,  
Ахборот ўстирап онг ва ақлимиз.  
Мухбир хабарларни дон каби терар,  
У хабар дехқони десак ҳақлимиз.  
Журналист, мухбирлар хабарин олиб,  
Бўламиз дунёни кафтда кўргандай.  
Кўнглимиз тұлади кенг назар солиб,  
Дехқон ҳосилини йигиб ўргандай.  
Ахборот аскари саломат бўлсин,  
Асосли қиласы бизнинг сўзларни.  
Сог-омон яшасин, юз ёшга тўлсин,  
Тўғри йўл кўрсатиб очар кўзларни.*

Туман газетаси мен учун ижодий мактаб вазифасини ўтаган. Дастрлабки шеър ва маколаларим бундан 54 йил олдин шу кадрдан газета саҳифаларида босилган. Бугун вилоят журналистларининг тажриба алмашув учрашуви туманимизда бўлаётгани, газета ходимлари шаънига илик сўзлар айтилаётгани мени хурсанд килди. Р. Гулмонов, З. Қўчкорова, Г. Бобоҷонова каби зийрак, қалами ўткир журналист шогирдларнинг тер тўкиб ишлаб, газета обрўсини ошираётганидан фахрланаман. Гурланни Хоразмда кадхудолар эли деб аташади. Газетамиз ҳам вилоятда кадхудо, етакчи газеталардан бири бўлса ажаб эмас.

### Ўзбекистон Каҳрамони Г. Ҳайтимматов сўзидан:

— Журналистлар халқимиз ҳаётини ҳаммага кўрсатувчи тинибтинчимас кишилардир. Биз дехқончилик касбини кийин деймиз. Бу тўғри. Лекин журналистлар, мухбирлар меҳнати дехқончилиқдан кам эмас. Мен кўп йиллардан бери дехқончилик киласман. Авваллари бригадир бўлдим, ҳозир фермер хўжалиги раҳбариман. Менинг озми-кўпми яхши ишларимни кўкларга кутариб, элга танитган шу журналистлар. Бунинг учун уларга раҳматлар айтаман. Мен туман газетасининг мухлисиман. Ҳар сонини қолдирмай ўқийман. Барча журналистларга муваффакият тилайман.

### Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати яъзоси Б. Холимбетов сўзидан:

— Вилоят журналистлари анжуманига таклиф қилинганидан курсандман. Газетамиз шаънига яхши гаплар айтилди. Бу сўзлар дехқонлар вакили бўлган менга илҳом беради. Мен раҳбар бўлган фермер хўжалиги пахта, буғдој режаларини ошириб бажарди. Бу ҳақда газеталарда аллакачон ёзишди. Улар камчиликларни ҳам кайд этишди. Шунинг учун уларни ҳакикат жарчиси десак арзиди. Бу шарафли ишда барчангизга муваффакият тилайман.

### Ўзбекистон Каҳрамони А. Маҳмудова сўзидан:

— Касбим ўқитувчи бўлгани учун менга китоб, газета ва журнал ўқиш сув билан ҳаводек зарур. Туманимиз газетаси — ҳаётимиз ойнаси. Уни ўқисангиз ишимизни кўргандай бўласизлар. Бу мақолалар, лавҳалар, шеърлар меҳнат меваси. Ҳакикатни топиб гапириш, бу йўлда меҳнат килиш осон эмас. Бунга ўткир зеҳн, ёник юрак, ўткир кўзлар керак. Сизлар ана шу фазилатларга эга ажойиб инсонларсиз. Ана шу шарафли ва машакқатли ишингиздан барака топинглар! Ҳамиша халқимизга жанговар ёрдамчи бўлиб хизмат килаверинглар!

## ҚАДРИ БАЛАНД ДАРГОХ

2011 йил май ойида «Гурлан ҳаёти» туман газетаси 80 ёшга тўлди. Газета турли даврларда турли номлар билан босилди. Дастреб «Колхоз тили», кейинроқ «Колхозчилар овози», «Пахтакорлар овози» номлари билан чиқди. Газета туман ҳаётини ёритиш билан бирга жуда кўп ижодий ходимларни тарбиялади. Бу кадрлар вилоят, республика газеталари ва журналларидаги ишлаб, обрў қозондилар, эл назарига тушдилар. Менинг ёшлик даврим ҳам шу газета билан боғланди. 1956 йилдан бошлаб макола ва шеърларим билан газета саҳифаларидаги кўрина бошладим. Бу даврда Қозоқ Курбонов мухаррир, Фозил Зоҳидов эса масъул котиб эди. Газетада ўз ўрнимни топишимда шу кишиларнинг хизмати катта. У даврда макола ёзиш учун колхозлар ёки идора, ташкилотларга боришига тўғри келар эди. Телефон алоқаси йўқ ҳисоби эди. Шу сабабдан пиёда юриб мухбирлик килардик, газета топширикларини бажарадик. Нолимасдин. Шу даргохнинг тарбияси туфайли мухбир, ҳаваскор шоир деган номга эга бўлдим. Шу номни ҳозиргача ардоқлаб, сақлаб келаёттирман.

1960 йилда ҳукумат қарори билан тугатилган туман газеталари 1966 йил январидан кайта чиқа бошлади. Гурлан тумани газетасига билимдон, камтарин ва тўғри сўзли педагог (мактаб директори эдилар) Турсунбой Давлатов мухаррир килиб этиб тайинланди. Мени масъул котиб вазифасига тайинлашди. Таҳририятда жуда ахил, ишчан жамоа вужудга келди. Улар жуда яхши ишлаб, обрў-эътибор қозондилар. Мени 1970 йилдан бошлаб партия сафига ишга олишди. То 1981 йил декабрига қадар партия ташкилотларидаги ишладим. Бу даврда кўп танишлар, дўстлар орттиридим. Ана шундай дўстлардан бири тажрибали, камтарин инсон Собир ака Матўрозов эди. У киши 1970 йил августидан 1981 йилнинг декабригача туман «Пахтакорлар овози» газетасига мухаррир бўлиб ишлади. У кишининг касби ҳисобчи эди. Узок йиллар туман партия комитетида ишлаб, қарорлар, нутклар, маърузалар ёзвериб, қалами пишиб қолган етук раҳбарлари у кишини қаттиқ ишонар ва кадрлар эдилар. Шунинг учун ҳам газета ишида неки муаммо бўлса, Собир Матўрозов ўз вактида хал киларди. Идора ходимларининг, газетанинг обўёсини янада юкори кўтаришга харакат киларди. Собир ака Матўрозов 11 йил мобайнида туман газетасига дарғалик килди. Бундай узок ишлаш ҳамманинг ҳам кўлидан келавермайди. Ниҳоят у киши нафакага чиккач бошка ишга ўғказилди. У кишининг ўрнига мен мухаррир бўлдим. Бутун ҳаётим туман газетасига боғланиб колди. Ижодкор сифатида танилдим. Ҳозирги кунда ҳам шу даргох билан яқин алокадаман. Бу табаррук даргохнинг кадри баланд.

## ЭШИМЖИРОНЛИК ИККИ МУҲАРРИР

1966 йилнинг 1 январидан бошлаб «Пахтакорлар овози» газетасига Эшимжирон кишлогида яшовчи Турсунбой Давлатов мухаррир этиб тайналди. Бу киши билимли, изланувчан, ҳақиқатни дангал айтувчи раҳбар сифатида обрў козонди. У бор-йўғи икки йилга яқин шу вазифада ишлади. 1967 йил охирида Т. Давлатов туман халқ маорифи бўлимининг мудири вазифасига ишга юборилди.

Т. Давлатов оз бўлса ҳам соз ишлади. Ишchan, ахил жамоа ташкил эта олди. Кадрларни танлаш ва тарбиялашга уста эди у.

1983 йилнинг апрелидан газетага эшимжиронлик яна бир фидойи инсон Й. Эримматов мухаррирлик қила бошлади. Йўлдошбой ўта камтар, кўнгли тоза Йигит эди.

Йўлдошбой кўп ўқирди ва хўп ёзарди.

Эшимжиронлик мухаррирлар Турсунбой Давлатов ва Йўлдош Эримматовларнинг туман газетаси тарихида ўзига хос ўринлари бор.

## ГАЗЕТА ВА МАТБААЧИЛАР

Бүгдойни ун килиш учун тегирмон бўлиши шарт. Худди шундай, ёзилган материалларни газета килиб босиш учун босмахона, унинг дастгоҳлари ва ишчилари бўлиши лозим. Гурлан туманида газета билан бир вактнинг ўзида босмахона ҳам ташкил этилган. Бу демак, Гурлан босмахонаси ташкил топганига ҳам 80 йил тўлди, дегани. Гурланда қўша тўй, қўша юбилей.

Идора ва ташкилотлар, фермерлар, тадбиркорлар иш коғозларини шу босмахонага буюртма килиб тайёрлатадилар, китоблар чоп этилмоқда. Гурлан босмахонаси замонавий дастгоҳлар билан таъминланган. Буюртмалар тез ва соз бажариб берилади.

Авваллари босмахонада иш шароити оғир эди. Дастгоҳ кўл кучи билан айлантирилар, ҳарфлар эса кўлда терилар эди. Мен 50-60 йиллардаги босмахона ишчиларининг машаккатли меҳнатларини ўз кўзим билан кўрганман. Газета босадиган дастгоҳнинг бир томонида бўйи бир метр келадиган катта темир ғилдирак бўлар эди. Бу ғилдиракнинг катта ручкаси — тутқични маҳкам ушлаб ғилдирак куч билан айлантирилади ва ғилдирак ҳар айланганда газетанинг бир нусхаси босилиб чикади. Минг дона газета учун минг марта ғилдиракни айлантириш керак. Ишчилар ғилдиракни 40-50 марта айлантиришса ҷарчаб қолишарди. Шунинг учун 5-6 киши навбатма-навбат ғилдиракни айлантириб газета босишарди. 50-йилларда босмахонага Тўра Жабборов деган паҳлавондай йигит ишга кабул килинди. У Эшимжирон қишлоғидан эди. У бир тўхтамасдан станок ғилдирагини 100 марта айлантириб, ўзига хос чемпион бўлди. Ҳамма унга полвон йигит бу, деб койил қолишарди. Тўра ака умри бўйи босмахонада ишлаб обрў топди. Нафакага чикса ҳам ўзи ишлаган корхонага келиб турарди. Тўра ака қарилек гаштини сурib, оламдан ўтди.

Дастлабки йилларда босмахона ишига раҳбарлик мухаррир зиммасига юқлатилганди. Барча ишларни босмахона мухандиси бажарарди. 50-йиллардан бошлаб босмахона директори лавозими жорий этилди. Дасглаб туман босмахонасига Избости ака Холмуродов киска вакт директорлик килди. У кишидан сўнг босмахона ишчиси — ҳарф териувчи Карим ака Абдуллаев директорликка тайинланди. Карим ака 1918 йилда туғилган, П-жаҳон уруши катнашчиси, ярадор бўлганилиги шундок билиниб турар эди. У босмахонада узок йиллар самарали ишлади. Карим ака бирор ишчиси ишга келмай қолса, ўрнига ўзи ишлаб кетаверарди. Ишчилар тушунмаган нарсаларини у кишидан сўраб билиб олардилар. Ҳарф теришми, газетани таҳлашми барини биларди ва қиласарди. Карим ака ходимларга жуда ғамхўр, меҳрибон эди. У нафакага чиккач, 1975 йилда тажрибали кадр

Юсуфбой Раҳимов Гурлан туман босмахонасига директор этиб тайинланди. Юсуфбой ишга жиддий киришди. Босмахонага янги замонавий жиҳозлар ҳамда дастгоҳлар олиб келтириди. Ходимлар малакасини ошириди, уларнинг иш ҳакини кўпайтириди. Газеталарни чол килиш юкори босмадан оғсет усулига ўтказилди.

Аввал иқтисод, кейин сиёsat деганларидек, Гурлан босмахонаси сифатли маҳсулот чикариб, элга танилди. Янгибозор ва Шовот туманлари газеталари шу ерда босила бошлиди. Ялпи даромад 2 баробарга кўпайди. Ишчиларга ҳар ойда мукофот пуллари бериладиган бўлди. Корхонага енгил автомашина олинди. Босмахона биносининг ички ва ташки томонлари замонавий усулда сифатли таъмирланди. Ишчилар учун ошхона, душ ва ҳаммом ишга туширилди. Қисқаси, босмахона эндиликда иқтисодий жиҳатдан бакувват ва рақобатбардошли корхонага айланди. Босмахона ходимлари ишлаб чикараётган маҳсулотлари билан республика ҳамда вилоят танловларида катнашиб мукофотларга сазовор бўлдилар.

## ИЖОДКОРЛАР - АСОСИЙ ТАЯНЧ

Туман газетасининг ютуғи ёш ижодкорларни ўз атрофига уюштириб тарбиялаши ва юксакларга парвоз килдиришида яққол кўзга ташланади. Мен газетанинг «Колхозчилар овози», «Пахтакорлар овози» ва кейинчалик «Гурлан ҳәёти» номлари билан чиккан даврларини биламан. Шу даврларда жуда кўп ижодкорлар ўз макола ва шеърлари, фельетон ва хикоялари, ҳажвиялари билан қатнашиб, ҳалқимизнинг назарига тушдилар, кейинчалик даврий нашрлар, радио ва телевидение, нашриётларда ишловчи таниқли ходимларга айландилар.

Таникли журналист ва шоир Фозил Зоҳид ҳам ўз фаолиятини Гурлан туман газетасида бошлади. У кишининг дастлабки шеърлари, мақолалари, фельетонлари шу газета саҳифаларида босилди. Фозил Зоҳид газетанинг масъул котиби бўлиб ишлади. Шу газетада улгайиб, элга танилиб, «Хоразм ҳақиқати» газетасига ишга олинди. Республика етакчи газеталарининг Хоразм вилояти бўйича маҳсус мухбири бўлиб узок йиллар ишлади. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси бўлди. Унга «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист» фахрий унвони берилди. Фозил Зоҳид 30 га якин шеърий ва насрый китоблар чиқарди. Шоир ва журналистларнинг устози даражасига етди. Шу кунларда Фозил ака Зоҳидов кексайиб колганига қарамай тинимсиз ижод килмоқда. Ҳар йили 2 ёки 3 та китоби чоп этилмоқда. Яна бир гурланлик журналист Собир aka Иброҳимов Фозил Зоҳиднинг сафдоши ва устозидир. У киши ҳам Гурлан газетасида қаламини чархлаб, «Хоразм ҳақиқати» ва республика газеталарида узок йиллар ишлади.

Журналист ва шоир Нематжон Солаев туман ёшлар қўмитаси раҳбари бўлиши билан бирга ушбу газета ишида фаол қатнашди. Унинг дастлабки шеър ва маколалари шу газетада босилган. Н. Солаев кейинчалик «Хоразм ҳақиқати» газетасида узок йиллар бўлим мудири бўлиб ишлади. У кишининг вилоят телевидениесидаги фаолияти айникса самарали бўлди. Н. Солаевнинг Ўзбекистон ҳалқ артисти Ҳожиҳон Болтаев ҳақидаги туркум кўрсатувлари, «Тўмарис» спектакли телевидениенинг олтин фондига айланди. Турли нашриётларда Н. Солаевнинг 10 дан ортиқ китоби босилиб, маънавий ҳаётимизни бойитди.

Ўзбекистон ҳалқ шоири, давлат мукофоти соҳиби Омон Матжон Гурлан туман газетасида фаолият бошлаб, элга танилди. У дастлабки шеърлари битилган қоғозларини кўтариб шу даргоҳга келди. Туман газетаси унинг ижодига оқ Йўл тилади. Ҳозирги даврда Омон Матжон Ўзбекистоннинг забардаст шоирларидан бири. 20 дан ортиқ китоби босилиб чиккан. Унинг кўпгина шеърлари машҳур ҳофизлар томонидан кўшиқ килиб айтилмоқда.

«Вазир» қишлоғидан чиккан журналистлар И smoил Шомуродов, Омонбай Ўроздбоев, шоир Содикжон Иноятов туман газетасида таълим олиб, вилоятга, бутун республикага танилдилар. Уларнинг мақола ва шеърларини, чикарган китобларини кўпчилик яхши билади ва қадрлайди.

Кейинги йилларда туманимизда истеъоддли ёшларнинг янги авлоди пайдо бўлди. Иброҳим Юсупов, Нигора Абдураҳимова, Махмуд Ражаб, Мурод Иброҳим, Алишер Собиров каби ижодкорлар ва уларга эргашиб ижод қилаётган ёшлар шулар жумласидандир. Бу ёш ижодкорларнинг дастлабки шеърий китоблари ўзининг ҳаётийлиги, янги бадиий образларга бойлиги билан ажralиб туради. Хоразмнинг истеъоддли шоирларидан бири, марҳум Матназар Абдулҳаким бу ижодкорларнинг китобларига ёзган такризларида уларга юксак баҳо берган.

Гурландан чиккан тарихчи олимлар ва журналистлар Жумабой Раҳимов, Умид Бекмуҳаммад ҳам туман газетаси орқали ўзларининг мақола ва очеркларини халқка етказдилар. Ҳозир улар кўша-кўша китоблар муаллифи, олий ўкув юртларида талабаларга дарс берувчи устозлардир.

Ана шу ва бошқа кўплаб ижодкорлар учун туман газетаси ижод мактаби вазифасини ўтаган ва ўтаб келмоқда. Шу маънода туман газетасини ижодкорлар ўчоги деб таърифлаш мумкин. Бу табаррук даргоҳдан яна кўплаб ёш ижодкорлар майдонга чиқишига, элизимзининг обрўсини, маънавиятини юксакларга кўтаришига ишончимиз комил. Бугунги кунда туман газетасида тер тўкиб ишлаётган жонкуяр журналистлар бу хайрли ишга самарали хисса кўшаётганликлари билан фахрлансалар арзийди.

## КАМОЛОТ БЕШИГИ

Халқимизда «Кадхудо бўлай десанг, Гурланга бир келиб кет!» деган хикматли сўз бор. Хоразмликлар Гурланни кадхудолар юрти деб ҳам айтишади. Бу сўзлар чукур маънога эга. Унинг замирида тарихий ҳакикат ётади. «Кад» сўзи кишлоқ деган маънони билдиради. «Худо» сўзи етакчи эркак маъносига эга. Кадбону — шевада кайвони сўзи — Аёллар етакчиси маъносини билдиради. Бону — аёл демакдир. Демак “кадхудо” сўзи кишлок, яъни эл етакчиси деган маъноларни англатади.

Гурлан тумани газетаси ҳам ана шундай мард, кадхудо, инсонни улуғловчи, ёшларни камолга етказувчи маскандир. Бу фикримизни исботловчи мисоллар жуда кўп. Гурланда газета ташкил этилган йиллари Отамурод Авазмуродов деган йигит ҳарф терувчи бўлиб ишга келади. Сўнг адабий ходим бўлиб ишлади. Отамурод ака элга танилиб, «Хоразм ҳакиқати» газетасига ишга чақирилади. Вилоят газетаси у вактда «Инкилоб қуёши» номи билан чиқар эди. Гурланлик Курбон Берегин вилоят газетаси бош мухаррири бўлиб ишлади. Отамурод ака Авазмуродов Гурландан Урганчга кўчиб бориб, вилоят газетасида ишлай бошлади. У киши 20 йилга яқин «Хоразм ҳакиқати» газетаси мухаррирининг ўринбосари вазифасида ишлади. Обрў-эътибор билан нафакага чиқди. У кишини Урганчда Отамурод Гурланли деб айтишарди.

Вазирлик Исмоил Шомуродов туман газетасидан вилоят газетасига ишга ўтди, ундан вилоят радиотелевидение компанияси раҳбарлигига кўтарилиди. Республика газеталарининг Хоразм вилояти бўйича мухбири бўлиб фаолият кўрсатди. Ўзбекистон телевидениесида масъул ходим бўлиб ишлади.

Боғолонлик журналист Аминбай Қўчкоров 1966 йилдан 1970 йилгача Гурлан газетасида ишлаб, «Хоразм ҳакиқати» вилоят газетасига ишга ўтди. Журналист сифатида обрў топди. Боғолонлик шоирлардан Омон Матжон, Янгибай Худойберганов, Зарифбай Худойбергановлар Гурлан газетасининг энг фаол катнашчилари эди. З. Худойберганов Гурлан газетасида кўп йиллар меҳнат қилди, сўнг Янгибозор тумани газетаси мухаррири даражасига кўтарилиб, самарали фаолият кўрсатди.

Хозирги кунда «Янгибозор қўзгуси» туман газетаси мухаррири бўлиб ишлаётган боғолонлик журналист Ўрозмат Яхшимуродов Гурлан туман газетасида ишлаб ўз маҳоратини оширган.

Янгибозорлик ўқитувчи Олламберган Ёкубов Гурлан газетасида бўлим мудири, мухарир ўринбосари бўлиб, кейин газета мухаррири, билим юрти директори вазифаларида ишлаб элга танилди. У киши журналист сифатида тарихий ҳамда замонавий мавзуларда 10 га яқин китоб чиқарди, зл-юрт хурматига сазовор бўлди.

Гурланлик шоир Иброхим Юсупов ёшлигидан туман газетасида ўз макола ва шеърлари билан катнаша бошлади. У ҳозир вилоят Монополиядан чикариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармасида ишлайтган бўлса ҳам туман газетасидан қўлинни узмайди. Шу кунларда унинг мақола ва шеърлари газетамизда босилиб турибди. Иброхим Юсупов шоир сифатида элга танилди. 5-6 та шеърий тўплами босилиб чиқди, китобхонларнинг меҳрини қозонди.

Олға кишлогида туғилиб ўсган Файзулла Солаев туман газетасига макола ва шеърлар юбориб, фаол катнашиб турарди. Ўқишини битиргандан сўнг газетада адабий ходим бўлиб ишлади. Кейинчалик Коракалпогистон телевидениесига ишга кирди. Ҳозир фан номзоди, доцент, республиканинг кўзга кўринган филолог олимларидан бири. Коракалпок Давлат университетида кафедра мудири бўлиб хизмат килаётir. Бу ёш ижодкорнинг камолоти эмасми?!

Зеварой Кўчкорова Гурлан шаҳарчасида ўсиб улғайди. У ўкувчилик давридан газета ишига қизикди. Ўзининг жажжи шеър ва маколалари билан тез-тез кўриниб турди. У олий маълумотли журналист сифатида туман газетасида ўз фаолиятини давом эттиради. У газетанинг оддий муҳбирлигидан бугун шу газета муҳаррири ўринбосари даражасига етди. Бунча машақкатли йўлни босиб ўтиш учун қанчалик сабру чидам, матонат керак инсонга. Зеварой Кўчкорова ана шу фазилатларни ўзида жам килиб, бугунги кунда ҳам газета даргоҳида тинимсиз ишламоқда.

Вазирлик шоир Содикжон Иноятов ҳам аввал туман газетаси тарбиясини олган. У бир канча шеърий тўпламлар чиқарди. Прозаик асарлар ҳам ёза бошлади. Бу камтарин ижодкор туман газетаси билан доимий алокада. Вакти-вакти билан асарлари газетада босилиб туради. Чиндан ҳам туман газетаси ёшларнинг камолот бешиги -халкка, Ватанга хизмат килишининг ёрқин намунасиdir.

## СУРАТ — ГАЗЕТА КҮРКИ

Журналистикага доир китобларни ўқисангиз, кекса журналист ходимлар билан сұхбатлашсанғиз сурат газетасын чиройини очади, ўқимишпелілігини оширади, деган фикрларга дуч келасиз. Бу айни ҳакиқат. Ҳар кандай одам ҳам газета ёки журналларни вараклаб, ундаги суратларни күриб завқ олаёттанига күп марта гувоҳ бўлганман. Газета материаллари чиройли расмлар билан берилса, газетхонлар фалончининг расми чиқиби, мактабимиз, боғчамиз, расми газетада босилиди, деган гапларни күп марта эшитганмиз.

Газетани турли хил расмлар-суратлар билан безовчи ходим-фотомухбир ёки газетасынг суратчиси хисобланади. Амин ака Нурматов туман газетасида энг күп ишлаган фотомухбирдир. Одамларнинг турли иш жараёнларини суратга олиш, уни чиройли килиб ишаш жуда нозик хунар. Амин ака Нурматов ана шу ҳунарни пухта эгаллаган, хамманинг олқишига сазовор бўлган суратчи эди. У кишининг тасвирга олган суратлари республика, вилоят газета ҳамда журналларида тез-тез босилиб турарди. У киши суратга олишдан олдин объектнинг ҳолатини ўзи хоҳлаган, дидига ёккан даражага олиб келар эди. Амин ака ҳазил гаплар билан одамларни кулдиришга жуда уста эди.

Амин ака ўз малакасини ошириш учун тинимсиз изланарди. Айрим газеталар саҳифаларидағи суратларни кўздан кечириб, уларнинг яхши томонларини мактаб, камчиликларидан ранжиб ўтиради. Касби ўқитувчи бўлган Амин ака Нурматов II-жаҳон уруши катнашчиси, турмушнинг кўп кийинчиликларини бошидан кечирган инсон эди. У киши ўтирган давраларда ўйин, кулги авж оларди, одамларнинг баҳри дили очиларди. Раксларга тушишда у кишининг тенги топилмасди. Ўзи ном кўйган янгича раксларга ўйнарди. Жумладан, «Қора тоблама», «Чивик санчиб», «Бийларман» деган раксларни ижро этса, одамлар кулгидан тўхтамасди. Бу ўйинлар худди масхарабозларнинг ўйинларига ўхшарди. «Қора тоблама» ўйини маъноси корага бўяш дегани. Амин ака бир эски чўғирмани козон куясига бўяб бошига киярди. Буни ҳеч ким сезмасди. Шу онда у даврага чиқиб, сакраб, гир айланиб, одамларнинг юзига, бошига чўғирмани суйкалаб, коп-кора қиласарди. Юзи, кўзи, яланг бошлари кора бўлган одамларни кўриб, ҳамма беихтиёр кулиб юборарди. Амин ака Нурматов туман газетасида 1966 йилдан бошлаб 20 йилга яқин меҳнат килди. У ишлаган суратлар тиник, ёрқин, ҳаётйлиги билан ажralиб турарди. Газета таҳламаларини кўздан кечирсангиз, бунга тўла ишонч ҳосил киласиз.

Амин ака ўзига муносиб шогирд тайёрлади. Эшимжиронлик Комил Олланазаров Амин акадан сабоқ олган мохир суратчи бўлди. Устози нафақага чиқкач, Комил Олланазаров туман газетасининг маҳсус

фотомухбири бўлиб қолди. У киши ҳам узок йиллар ишлаб, нафақага чиқди. Туман газетасининг 2000 йилгача бўлган таҳламларини кўрсангиз, Комил Олланазаровнинг канчалик самарали меҳнат килиб, туман газетасининг эл орасида танилишида нечоғлик ҳисса қўшганлигига гувоҳ бўласиз.

## ГАЗЕТАНИНГ 50 ЁШИНИ ЭСЛАБ

1981 йилда «Пахтакорлар овози» газетасининг биринчи сони чиқканига 50 йил тўлди. Бу шонли санани нишонлашга тайёргарлик ишлари қизғин бошлаб юборилди. Газета тарихи ҳакида бир катор материаллар берилди. Лекин шу йили газета юбилейни ўтказилмади. Сабаб 1981 йил декабрь ойида газета муҳаррири Собир Матӯрозов бошқа ишга олинди. Ўрнига камина муҳаррир килиб ишга тайинландим. Газетанинг 50 ёшлик юбилейни тадбирлари 1982 йилга кўчирилди.

Туман партия ташкилоти юбилейни катта килиб ўтказишга карор килди. Жамоа юбилейга тайёргарликни қизитиб юборди. Туман Матбуот уйида газетанинг 50 йиллик иши акс эттирилган музей ташкил килинди. Музейдан газета ҳайтига оид турли ҳужжатлар, расмлар жой олди. Юбилей баҳонаси билан туман Матбуот уйи биноси сифатли килиб таъмирланди, янги жиҳозлар кўйилди.

Юбилей олдидан «Пахтакорлар овози» туман газетаси Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгashi Президиумининг «Фахрий ёрлиги» билан мукофотланди. Газета муҳарририга «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони берилди. Кишлок мухбири Соатбой Абдураҳмонов Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгashi Президиумининг «Фахрий ёрлиги» билан тақдирланди.

Юбилей тантаналари 1982 йил май ойида ҳозирги туман ҳокимлиги мажлислар залида ўтказилди. Бу тадбирда республика ва вилоят матбуот органлари раҳбарлари, кенг жамоатчилик вакиллари катнашдилар. Газета ходимлари вилоят ҳамда туманинг юкори ташкилотларининг «Фахрий ёрлиқ»лари, совғалари билан тақдирландилар. Юбилей катнашчиларига катта концерт кўрсатилди. Мажлисдан сўнг туман раҳбарияти меҳмонларни катта зиёфатга таклиф этдилар. Тантанали мажлисда ҳамда зиёфатда газета ва унинг ходимлари шаънига жуда яхши гаплар айтилди, ишларига юксак баҳо берилди.

Шу тантана кунларида туман газетасига республика, вилоят, туман раҳбарияти, матбуот органлари томонидан кўплаб табрикномалар келди. Уларнинг бир кисми газетада эълон қилинди. Жонажон Заганимиздининг, халқимизнинг мустақилликни кўлга киритганига 20 йил тулди. Асрларга

тенг бу йилларда күлгө кирилган ютукларимизни, барча соҳаларда бўлган ўзгаришларни олдин хаёлга ҳам келтириб бўлмасди. Худди шундай ислоҳотлар, буюк ўзгаришлар оммавий ахборот воситалари, шу жумладан газета соҳасида ҳам юз берди. Мустакиллик нафаси ҳамма жойда уфуриб турибди.

## Мундарида

Халқ минбари.....	3
Ҳамкор ва ҳамнафасликда ишлаймиз.....	4
Фидокор кишилар.....	6
Қадри баланд даргох.....	8
Эшимжиронлик икки муҳаррир.....	9
Газета ва матбаачилар.....	10
Ижодкорлар - асосий таянч .....	12
Камолот бешиги.....	14
Сурат — газета кўрки.....	16
Газетанинг 50 ёшини зслаб.....	17

*800 суръ*

ТУРСУНБОЙ КАРИМОВ  
ҚАДРИ БАЛАНД ДАРГОХ  
(Ижтимоий-сиёсий нашр)

Мухаррир *Марямжон Холмуродова*  
Тех мухаррир *Даврон Раҳимов*  
Сахифаловчи *Хуришида Сабирова*  
Мусаххих *Нилуфар Жуманиёзова*

Босмахонага берилди 26.05.2012 йил  
Босишига рұхсат килинди 31.05.2012 йил  
Бичими  $60 \times 84 \frac{1}{16}$   
Ҳажми 1,4 босма тобок.  
Адади 300  
Буюртма № 126

“Хоразм” нашриёти  
Урганч шаҳри, Ал-Хоразмий кўчаси, 23- уй.

“Шер” хусусий фирмаси  
босмахонасида чоп қилинди.  
Гурлан шаҳар, П.Махмуд кўчаси 82-уй.